

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХАКИМОВ РАХИМ РАСУЛЖОНОВИЧ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА МУВОЗАНАТНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

| | |
|--|----|
| Хақимов Раҳим Расулжонович Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш | 3 |
| Хақимов Раҳим Расулжонович Совершенствование правовых механизмов обеспечения баланса между ветвями государственной власти..... | 29 |
| Накимов Раҳим Расулжонович Improvement of legal mechanisms for ensuring balance between the branches of state power..... | 55 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 59 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХАКИМОВ РАХИМ РАСУЛЖОНОВИЧ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТАРМОҚЛАРИ ЎРТАСИДА МУВОЗАНАТНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmiy-kengash>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хусанов Озод Гиллабоевич**
юридик фанлар доктори, профессор

Мухамеджанов Омонулла Зокирович
юридик фанлар доктори, профессор

Турғунов Илҳом Турғунович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «б» июль соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45 уй. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (18-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати _____ «___» _____ куни тарқатилди.
(20__ йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. Р. Маликова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ю. ф. д., доцент

Г. С. Исмаилова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ю. ф. д., доцент

И. А. Хамедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ю. ф. д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Деярли барча тараққий этган давлатлар томонидан асос сифатида қабул қилинган давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи ва унинг ажралмас қисми бўлмиш ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими жаҳонда демократияни барпо этишнинг асосий талаби, давлат ҳокимиятининг бир шахс ёки идора қўлида тўпланишига йўл қўймаслик, жамиятда қонун устуворлиги ва манфаатлар мутаносиблигини таъминлашнинг энг муҳим кафолати ҳисобланади. Мазкур принципнинг нечоғлик самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан давлат ва жамият тараққиётини белгилаб беради. Шу боис, бугунги глобаллашув замонида ушбу принципни тўла рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида мақбул мувозанатга эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат ҳокимияти олдига қўйилаётган янги вазифалар давлат ҳокимияти бўлиниши принципини самарали амалга ошириш, ҳокимият тизимида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида чуқур илмий-тадқиқот олиб бориш, шу жумладан, Конституцияда белгиланган ваколатларни амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида юзага келаётган турли зиддият ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, ҳокимият тармоқлари ваколатларини аниқ чегаралаш, уларни амалга оширишда такрорлашларга йўл қўймаслик, суд ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ваколатларини аниқлаштириш, давлат ҳокимияти бўлиниши принципини маҳаллий даражада рўёбга чиқариш каби масалаларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда Конституциямизнинг 11-моддасида белгиланган давлат ҳокимияти бўлиниши принципини изчил амалга ошириш мақсадида кенг қамровли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини кенгайтириш, суд ҳокимияти тизими ва ваколатларини кучайтириш, давлат ҳокимиятининг бир идора қўлида тўпланишига йўл қўймаслик¹ бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, давлат ҳокимияти бўлиниши принципи ва ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини таъминлашга оид қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, ҳокимият тармоқларининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ўзаро муносабатлари механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса, бу борада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда

конституциявий нормаларни самарали амалга ошириш бўйича аниқ тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш ва қонунларда мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 21 январдаги ПФ-5308-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Stanford Law School, Boston College, UCLA School of Law, New York University, Chicago University, Harvard University, Washington University School of Law (АҚШ), Newcastle University, Library of House of commons, Oxford University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universität, München Universität (Германия), Pantheon Sorbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), Jagiellonian University (Польша), Naruto University of Education Graduate School, The University of Nagoya, (Япония), Москва давлат университети, Москва давлат халқаро муносабатлар институти, Москва давлат юридик университети (Россия)да олиб борилмоқда.

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш тизимининг ривожланиш тенденциялари аниқланган (Washington

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.uchicago.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/commons-library>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, www.pantheonsorbonne.fr, <http://www.en.uj.edu.pl>, www.naruto-u.ac.jp, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>

University School of Law); ҳокимият тармоқлари ваколатларининг бир биридан мустақил амалга оширилиши ва уларнинг битта шахс кўлида тўпланишига йўл қўймаслик механизмлари асосланган (Library of House of commons); давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанат сақлашининг функционал ва расмий жиҳатлари ҳамда унда ҳар бир тармоқнинг ваколатлари чегараси, ўзаро тийиб туриш механизмнинг муҳим элементлари аниқланган (Harvard Law School); федерализм шароитида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш механизмлари асосланган (The University of Toronto); парламент ва президентнинг ташқи сиёсат, хавфсизлик соҳасидаги ваколатларини чегаралаш ва меъёрда сақлаш, уларнинг халқаро шартномаларни тасдиқлаш жараёнида ўзаро муносабатлари механизми асосланган (Stanford Law School); давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш асосида мазкур ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган (American Enterprise Institute for Public Policy Research); “Тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш” тизимининг самарадорлигини таъминлашда парламент назоратининг ўрни ва унинг таъсирчанлигини ошириш механизми асосланган (Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации).

Дунёда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширишнинг конституциявий, ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмларини аниқлаш; парламент ва ижро этувчи, парламент ва суд ҳокимияти олий органларининг ўзаро муносабатларида мувозанатни таъминлаш; давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашда давлат раҳбарининг ролини белгилаш; ташқи сиёсат, мудофаа ва хавфсизлик соҳасида қабул қилган қарорлар устидан парламент назоратини кучайтириш; ҳокимият бўлиниши принциpidан келиб чиқиб, ижро этувчи ва суд тармоқларининг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши доираси ва ваколатларининг чегараларини аниқлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш мавзусининг у ёки бу жиҳатлари А.А.Азизхўжаев, А.Р.Акилов, М.А.Ахмедшаева, С.М.Адилходжаева, Ҳ.Б.Бобоев, А.Р.Болтаев, З.Т.Воҳидов, К.Н.Джумабаев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, З.С.Ибрагимов, Г.Р.Маликова, М.М.Миракулов, Ф.Ф.Мухитдинова, О.З.Мухамеджанов, Ф.Ҳ.Отахонов, Ҳ.Т.Одилқориев, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Раҳмонқулов, Х.И.Рузметов, А.Х.Саидов, А.С.Турсунов, Э.Ҳ.Халилов, И.А.Хамедов, О.Т.Ҳусанов, А.Э.Раҳмонов, Г.М.Тансиқбоева, М.М.Файзиев, Ш.З.Ўразаев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган¹.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимиятининг ўрни М.А.Ахмедшаеванинг докторлик диссертациясида (2011), президентнинг ҳуқуқий мақоми, ҳокимият тармоқлари билан ўзаро муносабатлари

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

М.М.Миракуловнинг докторлик диссертациясида (2016), суд ҳокимиятининг шаклланиши ва ривожланиши Ф.Ф.Мухитдинованинг докторлик диссертациясида (2013) ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципининг амалиётда тадбиқ этилиши мавзуси З.Т.Воҳидовнинг (2001), қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили эса Г.Р. Мирзаеванинг номзодлик диссертацияларида (2004) ўрганилган, аммо давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мавзуси шу вақтгача яхлит, комплекс тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг “Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш” илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2016-2018 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат ҳокимияти бўлиниши конституциявий принципининг мазмунини, унинг муҳим таркибий қисми – ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг ҳуқуқий механизмларини тадқиқ этиш;

давлат ҳокимияти тармоқларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва ўзаро мувозанатни таъминлашдаги ўрни ва ролини аниқлаш;

давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш тизимини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, бу борадаги конституциявий ислохотларнинг тадрижийлиги ва изчиллигини асослантириш;

хорижий мамлакатларда давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш хусусиятларини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш асосида ижобий конституциявий-ҳуқуқий тажрибани мамлакатимизга татбиқ этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фаол демократик ислохотлар шароитида ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш ва бу борада таклиф ва тавсияларни илгари суриш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш жараёнида вужудга келадиган сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндошувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш тартиби асосланган;

давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлашнинг муҳим шартли сифатида парламент назоратининг объекти ва субъектлари, шакллари аниқ белгилаш, парламент назорати механизмлари, унинг натижаларини амалга ошириш тартиб-таомиллари таклиф этилган;

конституциявий назорат институтини конституциявий нормаларни қабул қилиш ва халқаро шартномаларни ратификацияси бўйича дастлабки назоратни жорий этиш орқали ривожлантириш асосланган;

давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб, ижро этувчи ҳокимият тармоғининг норма ижодкорлиги ваколатини чегаралаш, қонун ости ҳуқуқий тартибга солишни қисқартириш ва идоравий норма ижодкорлигидан босқичма-босқич воз кечиш таклиф этилган;

маҳаллий даражада давлат ҳокимияти бўлиниши принципини самарали амалга ошириш мақсадида ҳокимларнинг кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги механизмлари асослантирилган, маҳаллий кенгаш депутатларининг тўртдан бир қисмини доимий асосда ишлашини жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83, 93 ва 98-моддаларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасини қисқартириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз девони ва бошқа институтлар тузиши, Вазирлар Маҳкамаси қонун ва Президент ҳужжатлари асосидагина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши, ҳукумат аъзоларига нисбатан ҳам ишончсизлик вотуми институтини киритиш бўйича таклифлар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида барқарор мувозанатни таъминлаши асосланган;

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда Олий Мажлиснинг давлат бюджетидан молиялаштиришни қисқартириш ёки тўхтатиб қўйиш бўйича ваколатларини мустаҳкамлаш, давлат бюджети ижроси устидан парламент назорати воситаларини кучайтириш, бу борадаги мавжуд ҳуқуқий механизмларни аниқлаштириш таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида Давлат бюджетидан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари бюджетларини алоҳида-алоҳида сатрларда назарда тутиш зарурати асосланган;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунда ижро этувчи ҳокимият тизимини белгилаш, ҳукуматнинг норма ижодкорлиги борасидаги ваколатларини аниқлаштириш таклиф этилган;

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда Олий суд Пленуми томонидан судлар, бошқа органлар учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатларини қўллаш

масалалари бўйича тушунтиришлар бериш амалиётини қайта кўриб чиқиш ва судларни янада ихтисослаштириш судьялар мустақиллигини таъминлашга, улар фаолияти самарасини оширишга, суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатларига дахл қилишини олдини олиши асосланган;

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ва бу борадаги бошқа қонунларда қонунларни қабул қилиш бўйича юридик техника талабларини замонавийлаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнига янги услубларни, шу жумладан қонун лойиҳаларини баҳолаш тизимини киритиш таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот якунида ўз аксини топган умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар конституциявий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган назарий қарашларни ва миллий қонунчилик нормаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, давлат ҳокимияти тизимида мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Парламент ҳуқуқи”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, ушбу фанлардан маъруза, мунозара ва амалий машғулотларда, ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлигида ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳокимият бўлиниши, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида кейинги йилларда қабул қилинган бир қатор қонунларни амалга ошириш механизмларини ривожлантиришга, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш тизимининг ўрни ва роли тўғрисидаги билимларни кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини, Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш тартибини белгилашга оид таклифлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» (26¹-модда) ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонунларда (25¹-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24 мартдаги 06/2-06/239-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар ҳукуматнинг парламент олдидаги ҳисобдорлигини ўрнатувчи конституциявий нормалар механизмларини белгилашга хизмат қилган;

парламент назоратининг объекти ва субъектлари, шакллари, амалга ошириш механизмлари, унинг натижаларини амалга оширишга оид таклифлар “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда (3-5, 8-9, 17-18, 21-22-моддалар) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24 мартдаги 06/2-06/239-сонли ва 2018 йил 4 июндаги 06/2-06/403-сонли маълумотномалари). Ушбу таклифлар миллий парламентнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга, унинг назорат функцияларини кенгайтиришга асос бўлган;

конституциявий назоратни мустаҳкамлаш, судларга муайян қонуннинг конституциявийлиги бўйича Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш, ушбу судга Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар конституциявий қонунлар, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш ваколатини беришга оид таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонунда (4-модда) ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 4 июндаги 06/2-06/403-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар суд ҳокимияти ва парламент ўртасида мувозанатни таъминлаш механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

қонунларни қабул қилиш бўйича юридик техника талабларини қайта кўриб чиқиш, қонун ижодкорлиги жараёнига қонунларни баҳолаш тизимини киритиш, қонун ости ҳуқуқий тартибга солишни қисқартириш, идоравий норма ижодкорлигидан босқичма-босқич воз кечиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги №Р-5239-сон Фармойишида (3-банд) жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 4 июндаги 06/2-06/403-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасида норма ижодкорлиги соҳасида ваколатларнинг мувозанатини таъминлашга хизмат қилган;

вазирлик ва идораларни тузишда Вазирлар Маҳкамасининг ташаббусини амалга ошириш, ҳукуматнинг Олий Мажлис олдидаги, ҳокимларнинг маҳаллий кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги механизмларини белгилаш тўғрисидаги таклифлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (27-28-моддалар), “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (25¹-модда) Ўзбекистон Республикаси қонунларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 24 мартдаги 06/2-06/239-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар давлат ҳокимияти бўлиниши принципини ҳам республика, ҳам маҳаллий даражада таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 12 та халқаро, 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та (11 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўн иккита параграфни ўз ичига олган тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 242 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг аҳамияти ва зарурати**» деб номланган бўлиб, у уч параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда давлат ҳокимияти тушунчаси, конституциявий-ҳуқуқий асослари, давлат ҳокимияти бўлиниши конституциявий принципининг мазмуни ҳамда давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг муҳим таркибий қисми – ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг моҳияти тадқиқ этилган.

Давлат ҳокимияти масалалари тарихий тараққиётнинг барча босқичларида турли соҳа олимларининг (Аристотель, М.Ахмедшаева, В.Е.Чиркин, Н.И.Азаров В.С.Соловьев, Г.Мирзаева, Ҳ.Одилқориев, Эктон,

М.А.Бакунин, Р.Арон, В.Я.Любашиц, Г.М.Тансыкбаева, З.М.Исломов) диққат марказида бўлиб келганлиги қайд этилган ҳолда уларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилиниб, ҳокимиятнинг моҳиятини ёритишда у ёки бу белгига (куч-қудрат, оммавий-сиёсий тусда бўлиши ва ҳ.к.) урғу беришганлиги эътироф этилди. Давлат ҳокимиятига нисбатан таърифларнинг бундай турлича бўлишига сабаб ҳуқуқ ва давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги турлича концепциялар асосида давлат ҳокимиятига ҳар хил таърифлар бериш мумкинлиги ҳисобланади. Хусусан, зўрлик назарияси вакиллари давлат ҳокимиятини зўравонлик билан, органик назария тарафдорлари ягона организм эҳтиёжи билан, марксистик назария издошлари бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронлигини ўтказиш зарурати билан, психологик назария вакиллари инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолда тушунишади.

Диссертацияда давлат ҳокимиятининг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги асосий белгилари кўрсатилади: *оммавийлик* – давлат ҳокимияти бутун жамият, халқ номидан иш кўради ва ўз фаолиятининг оммавий манбаларига эга бўлади – давлат мулки, солиқлар ва бошқалар; *махсус аппаратга эга* – давлат ҳокимияти яхлит тизимни ташкил этувчи давлат органларида ифодаланади ва улар орқали амалга ошади; *олий ҳокимият ҳисобланади* – давлат ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятнинг бошқа барча кўринишларидан устун туради. У қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда мажбурлов кучидан фойдаланиш борасида монопол ҳуқуққа эга; *суверенитет* – давлат ҳокимияти ички ва ташқи муносабатларда, давлат ишларини юритиш соҳасида мустақил ҳисобланади; *легитимлик* – давлат ҳокимиятининг мамлакат халқи, шунингдек халқаро ҳамжамият томонидан тан олинганлигини ифодалайди; *легаллик* – давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий жиҳатдан (конституция ва қонунлар асосида) шаклланганлиги.

Давлат ҳокимиятининг кучи ҳар қандай воситаларни қўллашга тайёр эканлиги ёки унинг таъсир кўлами билан белгиланмайди. Аксинча, давлат ҳокимиятининг кучи унинг обрў-эътибори, халқнинг, фуқароларнинг ҳурмат-ишончини қозонишида, адолатпарварлик ва ҳуқуққа бўйсунушида намоён бўлади ҳамда ҳар хил жамият ва давлатларда давлат ҳокимияти турлича хусусиятни касб этади. Жумладан, баъзи давлатларда давлат ҳокимиятида мажбурлов, бошқаларида эса ташкилотчилик ва ишонтириш асосий аҳамият касб этади. Бу кўпроқ давлатнинг бошқарув усулига – демократик ёки нодемократик эканлигига боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Муаллиф пировард натижада давлат ҳокимияти ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий ҳодиса деган хулосага келади. Шунингдек, унингча, бугунги кунда давлат ҳокимиятини либертар-юримдик тушуниш ва таърифлаш демократик жамият мақсадларига тўла мувофиқ келади. Мамлакатимиз Конституциясида давлат ҳокимиятини ташкил этишга оид белгиланган нормалар давлат ҳокимиятининг демократик табиатини, унинг халқ ҳокимиятчилиги ғоясига, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципига асосланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги ҳамда адолатни таъминлашга хизмат қилишини мустаҳкамлаб қўйган.

Демократик давлатларда давлат механизми давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи асосида курилади. Шу билан бир қаторда, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи суверен халқ эканлигидан келиб чиқиб, давлат ҳокимиятининг бирлиги ҳам эътироф этилади. Бироқ ҳокимиятнинг бирлиги ғояси фақат халқ манфаатлари ва суверенитети нуқтаи назаридан талқин этилиши лозим. Бинобарин, давлат ҳокимияти бирлиги ғоясини мутлақлаштириш муқаррар равишда давлат ҳокимиятининг бир шахс қўлида тўпланишига, бир шахс ёки гуруҳнинг якка ҳокимлигига ва охир-оқибатда авторитаризм ҳамда ижтимоий инқирозга олиб келади.

Инсоният ўз ижтимоий тараққиёти давомида давлат ҳокимиятини чегаралаш, давлат механизмида диктатуранинг ўрнатилиши, давлат манфаатларининг тор шахсий ёки гуруҳий манфаатлар билан алмаштириши ва шу тариқа инсон эркининг чекланиши ҳамда поймол қилиниши каби салбий иллатларни олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини илгари сурган.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципнинг мазмуни ва моҳиятини лўнда қилиб, қуйидагича ифодалаш мумкин: *биринчидан*, - давлат ҳокимияти бир-биридан мустақил бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади; *иккинчидан*, давлат ҳокимияти бўлиниши ҳокимият тармоқларининг бир-биридан мутлақо ажралиши ва ўзаро қарама-қарши туришини аниқламайди, балки уларнинг ягона манба - халқ ҳокимиятчилигига асосланишини, ўзаро ҳамжиҳатлигини, конституция ва қонунлар доирасида бир-бирини тийиб туриши ҳамда ҳокимият тизимида мутаносиблик ва мувозанат сақлашини ифодалайди; *учинчидан*, ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти қонун ости тусида бўлади, яъни унинг фаолияти ва қарорлари қонунга асосланади, унинг ижросини таъминлашга йўналтирилади ва қонунга зид бўлиши мумкин эмас; *тўртинчидан*, суд ҳокимияти фақат конституция ва қонунга бўйсундириш ярамайди ва фақат суд ҳокимиятигина ҳуқуқ ҳақидаги низоларни ҳал этиб, одил судловни амалга оширади; *олтинчидан*, бир шахс бир неча ҳокимият органида ишлаши мумкин эмас (парламентлик бошқарув шаклига асосланган давлатлар бундан мустасно).

Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Марказий сайлов комиссияси сингари янги институтларнинг ташкил топиши классик кўринишдаги ҳокимиятлар бўлиниши принципининг умумий мазмун-моҳиятига ўз таъсирини кўрсатмайди. Ушбу турдаги органлар ўз моҳиятига кўра ижро этувчи ҳокимият органларидир.

Ҳокимиятлар бўлиниши концепциясини амалга оширишда (тарқоклик, сиёсий инқироз, анархия, жамият маънавий-ахлоқий бирлиги ва инсонларда бир-бирига бўлган ишончнинг йўқолиши ва ҳақ.) салбий жиҳатларнинг олдини олиш мақсадида ҳокимиятлар бўлиниши принципига оид масалаларни такомиллаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этаётганда айниқса, ҳокимият тармоқлари мустақиллигини кучайтираётганда ҳам шундай механизмларни жорий этиш керакки бунда учала ҳокимият тармоғи ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг мазмунига оид ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципининг мазмуни бевосита қуйидагиларда намоён бўлиши асослантирилди: ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари органларини шакллантириш механизми; ҳокимият тармоқлари мансабдор шахсларини шакллантириш тартиби; ҳокимият тармоқларининг ваколатлари доираси ва уларни амалга ошириш тартиби; ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизми.

Давлат ҳокимияти бўлиниши принципининг муҳим таркибий қисми – ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг моҳиятини тўғри англаш учун мазкур тизимга хос бўлган “тийиб туриш” ва “манфаатлар мувозанати” асосий тушунчаларининг мазмунига аниқлик киритилди. Бунда ушбу тушунчаларга хос бўлган умумий хусусият уларнинг конституциявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланганлиги ва асосан чеклаш характериға эға эканлигида кўринади. Чунончи, ўзаро тийиб туриш давлат ҳокимияти органини бошқа ҳокимият органиға нисбатан муайян қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалға оширишдан тийган ҳолда доимий равишда амал қилса, манфаатлар мувозанати муайян қарор ёки ҳаракатға жавобан давлат ҳокимияти органи томонидан амалға оширилади. Бошқача айтганда, ушбу сўзларнинг мазмуниға эътибор қаратадиган бўлсак “тийиб туриш” – бу муайян ҳаракатни амалға ошириш ёки амалға оширмасликдан сақланишни билдирса, “манфаатлар мувозанати” деганда қаршилиқ кўрсатиш, қаршилиқ қилиш ёки бошқача айтганда қонун билан белгиланган ҳолатларда ҳокимият органи амалға оширишға ҳақли бўлган ваколат (ҳаракат, қарорға нисбатан жавоб ҳаракати) тушунилади.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизми халқаро демократик андозаларға мос равишда ривожланиб, такомиллашиб борди. Энг муҳими ушбу ўзгаришлар шошма-шошарликларсиз, босқичма-босқич, чуқур ва пухта ўйланлаган ҳолда амалға оширилиши натижасида ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати конституциявий нормалар доирасида ривожланмоқда.

Иккинчи боб «**Давлат ҳокимияти тармоқларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва ўзаро мувозанатни таъминлашдаги ўрни ва роли**»ға бағишланган бўлиб, уч параграфни ўз ичига олган. Мазкур бобда давлат ҳокимияти бўлиниши тизимида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоғи ва суд тармоғининг ўрни ва роли тадқиқ этилган.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида турлича фикрлар билдирилган. Шунингдек, дунё давлатлари конституциялари ва бошқа қонунларида ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқий мақоми турлича белгиланган. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоғи ва суд тармоғи конституциявий-ҳуқуқий мақоми энг аввало, Конституцияда белгиланган нормалардан келиб чиқиши лозим.

Шунингдек, ушбу бобда ҳокимият тармоқлари конституциявий ҳуқуқий мақомида уларни шакллантириш тартиби ҳамда ваколатлари муҳим ўрин тутиши асослантилган.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бошқа ҳокимият тармоқларидан устунлиги ҳақидаги фикрларга қарши ўлароқ қуйидаги ғоялар асосланди: биринчидан, қонун устуворлиги принципини қонун чиқарувчи ҳокимият устуворлигининг тасдиғи сифатида баҳоламаслик керак. Қонун устуворлиги принципи барча ҳуқуқий муносабат иштирокчилари, шу жумладан, қонун чиқарувчи ҳокимият органининг ўзи учун ҳам мажбурий ҳисобланиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўзи ҳам қабул қилган қонунларга риоя этишини аниқлатади. Иккинчидан, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этиши, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятга маъмурий жиҳатдан бўйсунувини аниқлатмасдан, балки ҳокимиятлар ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ўзига хос воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳуқуқий мақоми ҳам қонун чиқарувчи ҳокимиятники сингари турли давлатларда ўзаро фарқли равишда белгиланган. Шу билан бирга олимлар томонидан ҳам бу борада турлича фикрлар билдирилган. Аммо шундай бўлишига қарамасдан ижро этувчи ҳокимиятда унинг бажарадиган вазифаларидан келиб чиқиб умумий ёндошувларни кузатиш мумкин.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг тушунчаси бевосита уни давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларидан ажратиб турувчи хусусиятларидан келиб чиқади ҳамда мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг ижро этувчи тармоғи қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларидан қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради: ижро этувчи ҳокимият ўз фаолиятини давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятидан мустақил равишда амалга оширади; ижро этувчи ҳокимият фақатгина қонунга асосланган ҳолда фаолият юритиб, қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди ва шу мақсадда қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқади ва қабул қилади; ижро этувчи ҳокимият фаолияти асосан ташкилий хусусиятга эга бўлиб, унинг ихтиёрида ўз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун қонуний асосларда мажбурлаш воситалари мавжуд бўлади.

Ушбу бобда ижро этувчи ҳокимият тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: *“Ижро этувчи ҳокимият – бу фақатгина қонунга асосланган ҳолда фаолият юритиб, қонунлар ва давлат раҳбарининг ҳужжатлари ижросини таъминловчи ва шу мақсадда қонуности ҳужжатларини қабул қилувчи, фаолияти асосан ташкилий хусусиятга эга бўлиб, ихтиёрида ўз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун қонуний асосларда мажбурлаш воситалари мавжуд бўлган, давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғидир”*.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларидаги ўзаро муносабатларини янада аниқлаштириш ва ижро этувчи органлар тизимида Вазирлар Маҳкамасининг ўрни ва ролини янада кучайтириш мақсадида ҳамда хорижий давлатларнинг конституциялари тажрибасидан

келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқдир:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради”.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ваколатларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ қуйидаги масалалар ўз ечимини кутмоқда:

ҳукумат фаолияти устидан самарали парламент назоратини ўрнатиш;

ҳукуматнинг парламентга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш;

ҳукуматнинг норма ижодкорлиги фаолият билан боғлиқ фаолиятини янада аниқлаштириш. Бунда қонунда ёки Президент ҳужжатларида тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамаси томонидан тартибга солиниши назарда тутилган бўлмаса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига дахл қилувчи масалалар бўйича ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилмаслиги лозим.

Олимларнинг (Р.В.Косов, О.А.Воробьева, И.Л.Петрухин, А.С. Шабуров) фикр ва мулоҳазалари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили асосида суд ҳокимиятига қуйидагича таъриф берилди: “Суд ҳокимияти – Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида инсон ва фуқаролар, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуққа доир низоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари тизимидир”.

Суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми қуйидаги ўзига хос жиҳатлар билан ажралиб туришини қайд этилди: суд ҳокимиятининг давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан мустақил равишда фаолият юритиши; суд тизими ва уни ваколат муддатининг конституцияда қатъий белгиланганлиги; фақатгина суд қарори билан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилишга йўл қўйилиши; суд ҳокимияти олий органлари мансабдор шахсларини шакллантиришда қонун чиқарувчи органнинг иштирок этиши; суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эканлиги; конституциявий суднинг бошқа суд органларига нисбатан ўзига хос вазифани бажариши ва алоҳида мақомга эгалиги; Ўзбекистон Республикаси Олий суди мақомининг белгиланганлиги; судьялар фаолиятининг кафолатланганлиги; суд жараёнига нисбатан айрим талабларнинг белгиланганлиги; суд ҳокимияти ҳужжатларининг барча учун мажбурийлиги.

Суд ҳокимиятининг санаб ўтилган ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақомини қуйидагича таърифлаш мумкин: “Суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми – конституция ва қонунларда белгиланган судларнинг мустақиллиги, тизими ва

уларнинг асосий ваколатлар доираси, ваколат муддати, судларни шакллантириш тартиби, айрим тоифадаги судьяларни шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятлари, судьялар фаолиятининг мустақиллик ва дахлсизлиги, шунингдек суд жараёнига оид асосий талаблар мажмуидир”.

Конституциянинг 80-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланадиган Конституциявий суд, Олий судларнинг раиси ва судьялари назарда тутилмоқда. Конституциянинг 80 ва 93-моддаларидаги тегишли нормалар мазмун жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлса-да, уларга таҳририй аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Конституциянинг 80-моддаси биринчи қисми 2 ва 3-бандларини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

“2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, раис ўринбосари ва судьяларини сайлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш”.

Судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи амалиётнинг мамлакатимизда жорий этилиши судьяларнинг том маънодаги мустақиллигига эришиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда фуқаролик судлари фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу судлар томонидан кўрилаётган ишларнинг деярли ярмига яқинини никоҳдан ажратиш, алимент ундириш каби никоҳ билан боғлиқ масалалар ташкил қилмоқда. Фуқаролик ишлар бўйича судьялар иш юкламасининг кескин ортиб кетмоқда. (ҳар бир судьяга ойига ўртача 100 тадан ортиқ иш тўғри келади). Бу эса судларда иш сифатининг пасайишига ҳамда одил судловни самарали амалга оширишга тўсиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда судларни янада ихтисослаштириш ҳамда тегишинча оила ва меҳнат низолари бўйича судларни тузиш зарурати асосланди.

Учинчи боб «**Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш механизмининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва такомиллашуви**» масалаларига бағишланган бўлиб, учта параграфни ўз ичига олади. Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш механизми ва ҳокимият тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштириб боришда президентлик институтининг ўрни ва роли, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тармоқлари ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва механизмлари, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тармоқлари конституциявий-ҳуқуқий ваколатларининг такомиллашуви тадрижийлиги ва изчиллиги ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш механизми ва ҳокимият тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштириб боришда президентлик институти салмоқли ўрин эгаллайди. Давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият

юретиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифасининг Президент зиммасига юклатилиши бу органнинг давлат раҳбари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафили эканлигидан келиб чиқади.

Президентнинг давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юретиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш вазифаси аксарият демократик давлатларнинг (Франция Республикаси, Россия Федерацияси, Греция, Португалия Республикаси, Словакия Республикаси) конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган.

Президент давлат ҳокимияти олий органларининг келишилган ҳолда фаолият юретиши ҳамда ҳамкорлигини ўзига берилган конституциявий ваколатлар доирасида амалга оширади. Бундай ваколатлар жумласига, ижро этувчи ҳокимиятни шакллантириш ёки уни шакллантиришда иштирок этиш, истеъфога чиқариш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонунларни имзолаш ва эълон қилиш, парламент палаталарини тарқатиб юбориш, олий судни шакллантиришда иштирок этиш кабилар киради.

Мамлакатимизда президентининг қонунчилик ташаббусига эгаллиги ва қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиши ҳам унинг парламент билан боғлиқ муносабатлардаги ҳуқуқий мақомининг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида намоён бўлади. Президентнинг қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиши учун ташкилий ва ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ шундай бўлишига қарамасдан бу борада айрим ҳуқуқий бўшлиқлар ҳам мавжуд. Масалан, қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз эътирозлари билан қайтарган қонунлар юзасидан парламент билан келишув комиссияси тузилиши мумкинлигини, шунингдек парламент палаталари ўртасидаги қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун тузилган келишув комиссияси фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакили иштирок этишга ҳақли эканлигига оид қоидаларни қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бевосита давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан ҳамкорликни амалга оширади. Шу билан бирга Президент девонининг масъул ходимлари таркиби ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва на бошқа амалдаги қонунларда Президент девонининг ҳуқуқий мақоми ҳақида норма мавжуд эмас. Ундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузурида ташкил этилган алоҳида тузилмалар ҳам фаолият юритиб келаётган бўлиб, бундай тузилмалар хусусида ҳам конституциявий нормаларнинг йўқлиги бир тарафдан уларга оид қоидаларни конституцияда белгилаш заруратини тақозо этса, иккинчи тарафдан бундай тузилмаларнинг бевосита ҳуқуқий мақоми ва давлат ҳокимияти тармоғининг бошқа органлари билан ўзаро ҳамкорлик масалаларига аниқлик киритишни кун тартибига қўймоқда. Хорижий давлатлар конституцияларида эса, Президент девонларига оид нормалар

тўғридан-тўғри назарда тутилган (Финляндия Республикаси, Греция, Озарбайжон, Россия Федерацияси).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларидан бири сифатида Президент девонини ва Президент ҳузуридаги бошқа ташкилотларни ташкил этиш ваколатини ҳам аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий мақомини ойдинлаштириш билан боғлиқ яна бир ҳолат – бу Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазифасини вақтинча бажариш кимнинг зиммасига юклатилиши ҳақидаги масалани Конституциямизда аниқ белгилаш масаласи ҳисобланади бу масала айрим хорижий мамлакатларнинг конституцияларида аниқ белгиланганлигини кузатиш мумкин (АҚШ, Болгария, Эрон).

Бугунги кунда парламентнинг ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан таъсир кучини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Конституциясида белгиланган ишончсизлик вотуми институти қўлланиладиган шахслар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили Ўзбекистон парламенти ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида қуйидаги шаклларда алоқадорлик ва ҳамкорлик мавжудлигини кўрсатади: парламент томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг тизими ва ваколатларининг белгиланиши; парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги иштироқи; ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироқи; ҳукумат мажлисларида парламент палаталари вакилларининг, парламент палаталари, шунингдек улар органлари йиғилишларида ҳукумат аъзоларининг қатнашиши; Олий Мажлиснинг Вазирлар Маҳкамаси тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиши ва унинг ижросини назорат қилиши; парламент назорати жараёнида, хусусан, парламент сўрови билан мурожаат қилинганда ёки ҳукуматдан муайян масала юзасидан тушунтириш талаб қилинганда ва шунга ўхшаш муносабатлар доирасида ўзаро алоқадорлик.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёнининг таҳлили қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари орасида Вазирлар Маҳкамаси анча фаол эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: ҳукумат иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни амалга ошириб, қонунлар ижросини таъминлайди. Шундай экан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг қайси бир соҳасида қонунчиликка эҳтиёж, зарурат борлигини тегишли соҳаларига раҳбарликни амалга ошириш жараёнида аниқлаш имконияти каттароқ. Айни пайтда ҳукумат норма ижодкорлиги борасида парламент ваколатлари доирасига дахл қилмаслиги, унинг фаолияти қатъий равишда қонун ости тусида бўлиб, қонунлар ва мамлакат Президентининг ҳужжатларини ижро этишга қаратилиши зарурати асосланди. 2018 йилнинг 1 июнь ҳолатига бўлган статистик маълумотларга кўра Олий Мажлис томонидан қабул қилинган амалдаги қонунлар сони 715 тани ташкил этган бўлса, ижро этувчи ҳокимият –

Ҳукуматнинг амалдаги қарорлари сони эса 5944 тани ташкил қилади, яъни, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар сони қонунларга нисбатан 8.3 баробар кўп бўлиб қолмоқда. Бу рақамлар бу борада мувозанатни таъминлаш заруратини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида парламент ва суд ҳокимияти олий органларининг ҳуқуқий мақоми бўйича белгиланган нормалар таҳлилидан келиб чиқиб, уларнинг ўзаро муносабатлари турли шакл ва йўналишларда амалга оширилишини кузатиш мумкин. Бунда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга: парламент томонидан суд ҳокимияти органларининг тизими ва ваколатларининг белгиланиши; парламентнинг юқори палатаси – Сенат томонидан суд ҳокимияти олий органларининг сайланиши; суд ҳокимияти олий органларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши; Конституциявий суд томонидан конституциявий назоратнинг амалга оширилиши; Олий Мажлиснинг палаталари ёки палаталаридан бирини тарқатиб юбориш масаласини ҳал этишда Конституциявий суднинг иштироки; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Конституциявий суд, Олий суди раисларининг иштирок этиши ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида собиқ Иттифоқ давридан фарқли равишда суд ҳокимиятига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг берилганлиги суд ҳокимияти тармоғи ваколатларининг тадрижий ривожланишида муҳим қадамлардан бири бўлди. Айтилган бу ҳуқуқдан фойдаланиш даражаси ва ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ушбу ҳуқуқни бекор қилиш мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар илгари сурилди.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, давлат ҳокимияти тармоқларининг ваколатлари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Конституциявий янгиланишларнинг мазмун-моҳияти - мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, биринчи навбатда, давлат бошқарувининг энг муҳим тамойилларидан бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини конституциявий таъминлашдан иборатдир.

Учта параграфни ўз ичига олган тўртинчи бобда **«Фаол демократик ислохотлар шароитида ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлаш тизимини такомиллаштириш»**, хусусан, давлат ҳокимиятини демократлаштириш шароитида қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг масъулияти ва мустақиллигини кучайтиришнинг ҳуқуқий масалалари, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш истиқболлари асосланган.

Ушбу бобда парламент назоратини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга биноан парламент назоратининг асосий вазифалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ва функцияларни самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сиёсий ёки ҳуқуқий омиллар билан асослантилмаган ҳолда парламентнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ёки торайтириш ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига, ҳокимият тармоқларининг бир-бири фаолиятига аралашуви билан боғлиқ салбий оқибатларни келтириб чиқиши мумкин. Хорижий тажрибани ўрганиш натижалари бўйича, назорат чегараси қуйидаги икки мезон ёки усул билан аниқланиши асосланди: парламент назоратининг объектини қонунда белгилаш йўли (ҳуқуқий жиҳат) ва парламент, ижро этувчи ҳокимият конституциявий ваколатлари соҳасини аниқ чекловчи ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ҳаракат соҳаси (сиёсий-ҳуқуқий жиҳат).

Агар парламент назоратининг у ёки бу шакли парламентнинг тараққиёт даражасини ҳисобга олмаган ҳолда қонунчиликда белгиланса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишламаслиги, ҳокимият қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларида ўзаро ҳамкорлик тартибига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Мамлакатимизда парламент назорати институтининг умумий ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилган бўлса-да, уни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида амалдаги қонунчилигимизда қатор ҳуқуқий бўшлиқлар учрайди. Хусусан, парламент назорати шаклларини амалга оширишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ масалалар батафсил ўз ифодасини топмаган.

Парламент палаталари фаолиятига тааллуқли бўлган амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш механизми белгиланмаган. Қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонуности ҳужжатлари лойиҳалари ёки амалдаги қонуности ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари лойиҳаларини қонун лойиҳасини парламентга киритиш ҳақидаги норма назарда тутилмаган. Бу эса, парламентга қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан ишлаб чиқиладиган қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини уни киритаётган тегишли қонун ташаббускорлиги субъектидан талаб қилиш имконини бермайди.

Хорижий давлатлар (Украина, Франция, Польша, АҚШ, Россия Федерацияси) қонунчилик тажрибасининг кўрсатишича, айнан қонун лойиҳасини парламентга киритиш жараёнида ишлаб чиқилиши лозим бўлган қонуности ҳужжатлар лойиҳаларини талаб қилиш механизми тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган.

Қайд этилганларни инобатга олиб шунингдек, хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатлари ҳамда назорат вазифаларини кучайтириш лозим.

Шунингдек, қонунчиликдаги навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қабул қилиш, шунингдек Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитишни амалга ошириш механизмларига оид ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш зарур.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг муносабатлари нафақат бир-бирини тийиб туришга балки, улар ўртасида самарали ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ташкил этиш ва амалга оширилишига боғлиқдир.

Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқ ижодкорлиги билан шуғуллангани ҳолда Конституциямизда парламент айнан қайси соҳаларни бевосита қонун йўли билан тартибга солиши ҳукумат эса қайси ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши ҳақидаги масалага аниқ чегара белгилаб берилмаган. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида айнан Вазирлар Маҳкамаси томонидан жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини бевосита қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинишига олиб келмоқда. Мазкур масалага аниқлик киритиш учун бевосита Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қонун қабул қилиш йўли билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни қонунда аниқ белгилаш лозим.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида Олий судга Олий суд Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши назарда тутилганлиги Конституциянинг 112-моддасида қатъий белгиланган судьялар мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунishi ҳақидаги умумътироф этилган нормага номувофикдир. Шунингдек, миллий ва хорижий тажриба таҳлили ҳисобга олиниб, тобора фаол норма ижодкорлигига айланиб бораётган Олий суд Пленуми томонидан қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш амалиёти давлат ҳокимияти бўлиниши принципи талабларига зид эканлиги асосланди.

ХУЛОСА

Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари қўйидаги илмий-амалий хулосаларга келишга, шунингдек қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни илгари суришга имкон берди.

Илмий-назарий хулосалар:

1. “Давлат ҳокимияти” институти табиатининг айрим муҳим жиҳатлари очиб берилди. Унга мувофиқ, давлат ҳокимияти жамиятда ҳуқуқ устуворлигини, эркинлик, адолат ва фуқароларнинг қонун олдида тенглигини

таъминлашнинг ягона воситаси бўлиб, у ўз моҳиятига кўра “шахс-жамият-давлат” ўртасидаги ҳуқуқий, оммавий-сиёсий, ижтимоий муносабатлар тизимини ифода этади. Давлат ҳокимиятининг халқчиллигини белгиловчи яна бир муҳим қоида – бу хусусий мулк устуворлиги ва дахлсизлигининг кафолатлаб қўйилганлигидадир. Хусусий мулк дахлсизлиги кафолатланмаган жамиятда демократик давлат ҳокимияти мавжуд бўлмайди. Зеро, шахс эркинлигининг асосини хусусий мулк ҳуқуқи ташкил этади. Бинобарин, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва кафолатлаш демократик давлатнинг устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

2. Давлат ҳокимияти бўлиниши принципи мазмунига муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилди. Мазкур ёндошувга мувофиқ, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган демократик давлат фақат давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи амал қилган шароитдагина мавжуд бўла олади. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципи яхлит ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлинган тарзда амалга оширилишини англатади. Давлат ҳокимиятини назорат, таъсис этувчи ва сайлов каби турларига ажратувчи замонавий концепциялар мазкур принципнинг туб моҳиятига номувофиқдир. Давлат ҳокимияти бўлиниши принципнинг мазмуни замонавий шароитларда қўйидагиларда бевосита намоён бўлади: ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари органларини шакллантириш механизми; ҳокимият тармоқлари мансабдор шахсларини шакллантириш тартиби; ҳокимият тармоқларининг ваколатлари доираси ва уларни амалга ошириш тартиби; ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмининг таъминланиши.

3. Ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг моҳиятини тўғри англаш учун мазкур тизимга хос бўлган “тийиб туриш” ва “манфаатлар мувозанати” асосий тушунчаларининг мазмуни асослантирилди. Бунда ушбу тушунчаларга хос бўлган умумий хусусият уларнинг конституциявий ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланганлиги ва асосан чеклаш характерига эга эканлигида кўринади. Ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати категориялари ўртасидаги фарқлар уларни амалга ошириш вақтида намоён бўлади. Хусусан, “тийиб туриш” давлат ҳокимияти органини бошқа ҳокимият органига нисбатан бирор-бир қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга оширишдан тийган ҳолда доимий равишда амал қилса, “манфаатлар мувозанати” бирор-бир қарор ёки ҳаракатга жавобан давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда “тийиб туриш” – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмасликдан сақланишни билдирса, “манфаатлар мувозанати” деганда акс таъсир ўтказиш, қаршилиқ қилиш, қонун билан белгиланган ҳолатларда ҳокимият органи амалга оширишга ҳақли бўлган ваколатни тушуниш лозим.

4. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясига доир янги қарашлар ва ёндашувлар шакллантирилган. Мазкур қарашларнинг бири, бу – қонун чиқарувчи ҳокимият, у қандай ваколатларга, шу жумладан, қонун чиқариш ваколатига эга бўлишидан қатъий назар, бошқа ҳокимият тармоқларидан устун турмайди, балки улар билан тенг бўлмоғи лозим, деган ғоя

асослантириб берилган. Шу маънода ижро этувчи ҳокимият органларининг норма ижодкорлиги фаолияти бу борада мувозанатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши асослантирилди.

5. Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимият тизимини ислоҳ қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги йўналишлар илмий-назарий асослантирилди:

ҳукуматнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи конституциявий нормаларни амалга оширишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш;

ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳукуматни шакллантириш ва фаолият юритишининг янги принциплари ҳамда механизмларини жорий этиш, унинг фаолиятида сифат жиҳатдан мутлақо янги бўлган иш шакли ва услубларини жорий этиш;

давлат бошқаруви жараёнига, айниқса, иқтисодиёт соҳаларини бошқаришга бозор иқтисодиёти принципларини кенг жорий этиш;

давлат бошқаруви тизими, давлат аппаратини модернизациялашга йўналтирилган маъмурий ислоҳотларни изчил амалга ошириш;

давлат бошқаруви органларининг юқори малакали кадрлар салоҳиятини ташкил қилиш, уларни моддий-ижтимоий таъминотини яхшилаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимида кенг қўллаш.

*Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш
бўйича таклиф ва тавсиялар:*

6. Конституциянинг 78-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига Давлат бюджетидан молиялаштиришни қисқартириш ёки тўхтатиб қўйишни киритиш лозим;

7. Конституциянинг 80-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Конституциявий ва Олий судни сайлаши ҳақидаги нормани Конституциявий суд раиси, раис ўринбосари ва судьяларини, Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш, деб аниқлаштириш лозим;

8. Конституциянинг 83-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасини Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқдир;

9. Хорижий тажрибадан келиб чиқиб, Конституциянинг 93-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги банд билан тўлдириш лозим:

“93-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

26) ўзига ушбу Конституция ва қонунлар билан юклатилган вазифаларни бажаришга кўмаклашувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини ва Президент ҳузуридаги ташкилотларни тузади”;

10. Мамлакатимизда шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, Конституциянинг 96-моддасини қуйидаги таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир:

“Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазифа ва ваколатларини вақтинча бажара олмаса, Президентнинг вазифа ва ваколатларини вақтинча бажариш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юкланади”;

11. Конституциянинг 96-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш лозим:

“Бунда Ўзбекистон Республикасининг Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи ушбу Конституциянинг 95-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳолатдан ташқари Конституция ва қонунларда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча ваколатларини амалга оширишга ҳақли”;

12. Конституциянинг 98-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

“Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради”.

Ушбу моддада, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида аъзосига, башарти унинг фаолиятидан қониқмаса, ишончсизлик вотуми билдириши мумкинлиги мустаҳкамлаш лозим;

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этишига оид конституциявий норманинг амалга ошириш механизмини «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» (26¹-моддалар), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» (25¹-моддалар), “Парламент назорати тўғрисида”ги (8-модда) қонунларда қуйидагича акс эттириш лозим:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устуворликлар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай Олий Мажлис палаталарига тақдим этилади. Мазкур маърузада акс эттирилиши лозим бўлган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан фракциялар, депутатлар гуруҳлари, кўмиталар таклифлари асосида белгиланади ва бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси олдиндан хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бўлмаганда, Бош вазир ўринбосари маъруза қилади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Олий Мажлис палаталарининг кўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади, фикрлар ва таклифлар Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси, Сенат қарор қабул қилади, унда Вазирлар Маҳкамаси ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилади, унинг ишини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар, шунингдек қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. Мазкур қарорлар ва Вазирлар Маҳкамасининг маърузаси расмий нашрларда ҳамда Олий Мажлис палаталарининг веб-сайтларида эълон қилинади”;

14. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 70-моддасида давлат ҳокимияти бўлиниши принципини тўлиқ амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб, Давлат бюджетига қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари бюджетлари алоҳида-алоҳида сатрларда назарда тутилишини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир;

15. “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда мазкур назоратнинг янги шакллари, хусусан, парламент палаталарининг кўмиталари томонидан ўз соҳалари бўйича тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг йиллик ҳисоботларини ахборот тартибида эшитиб бориш ва муҳокама қилишни, шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг Давлат бюджетидан молиялаштиришни қисқартириш ёки тўхтатиб қўйиш бўйича ваколатини мустаҳкамлаш зарур;

16. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунда алоҳида моддада ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини белгилаш, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлиснинг палаталарига қабул қилинган қонунларда назарда тутилган қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёни тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилаш лозим;

17. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларда Вазирлар Маҳкамаси парламент палаталарининг тегишли кўмиталарига қабул қилинган қонунни ижро этишга қаратилган Чора-тадбирлар дастурини тақдим этишини назарда тутувчи тегишли нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир;

18. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасида парламент ва ҳукумат ўртасида мувозанатни мустаҳкамлаш мақсадида парламентда бюджет кўмитасига раҳбарлик ўзини муҳолифат деб эълон қилган фракция ёки бир нечта фракциялар томонидан амалга оширилишини белгилаш лозим;

19. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ҳамда “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунларда:

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳалари палатага киритишдан олдин уларнинг таъсирчанлигини баҳолаши ва унинг натижаларини тақдим этишига оид нормаларни мустаҳкамлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг предмети ва тартибга солиш доирасини, қабул қилиш асосларини аниқ белгилаш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш механизмига доир нормаларни акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

20. Қонунчилик фаолиятида бой ва ижобий тажрибага эга бўлган мамлакатлар амалиётидан келиб чиқиб, мазмунан янги бўлган миллий қонунчилик техникаси ва қонун ҳужжатларини расмийлаштиришнинг юридик-техника қоидаларини ишлаб чиқиш ва шу ҳақда Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг янги қўшма қарорини қабул қилиш лозим;

21. “Судлар тўғрисида”ги Қонунда Олий суд Пленуми томонидан судлар, бошқа органлар учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш фақатгина қонунни қўллаш амалиётини жиддий муаммолар юзага келганда амалга оширилиши ва бунда Олий Мажлис палаталарининг розилиги, албатта, олиниши лозимлигини мустаҳкамлаш зарур;

22. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг камида тўртдан бир қисми профессионал, доимий асосда фаолият юритишини белгилаш лозим;

23. Ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни қонун ижодкорлик ишларини ягона сиёсат доирасида амалга ошириш йўли билан таъминлаш, мазкур ишларга жалб қилинган давлат органларининг қонун ижодкорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, қонун ижодкорлик фаолиятини ягона қонунчилик техникасини шакллантириш, шунингдек қонун лойиҳалари ва амалдаги қонунларнинг таъсирчанлигини баҳолашни ташкил этиш мақсадларида “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Қонун ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ
ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

ХАКИМОВ РАХИМ РАСУЛЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ
ОБЕСПЕЧЕНИЯ БАЛАНСА МЕЖДУ ВЕТВЯМИ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2018

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.2.DSc/Yu38

Диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Мухамедов Уткирбек Хазраткулович**
доктор юридических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хусанов Озод Гиллабоевич**
доктор юридических наук, профессор
Мухамеджанов Омонулла Зокирович
доктор юридических наук, профессор
Тургунов Илхом Тургунович
доктор юридических наук

Ведущая организация: **Университет мировой экономики и дипломатии**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06. 2017.Yu.23.01 по присуждению ученых степеней при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д.45. Тел.: (99871) 232-60-80, (99871) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2018 года).

Г.Р.Маликова

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ю.н., доцент

Г.С.Исмоилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.ю.н., доцент

И.А.Хамедов

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.ю.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация (DSc) докторской диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. Принцип разделения властей, система сдержек и противовесов, являющаяся его неотъемлемой частью и принятая почти всеми развитыми государствами как основа государственности, стали главными требованиями построения демократии в мире, гарантиями предотвращения концентрации государственной власти в руках одного человека или органа, обеспечения верховенства закона и баланса интересов в обществе. Эффективная реализация данного принципа во многом предопределяет прогресс государства и общества. В этой связи, в нынешних условиях глобализации особую актуальность приобретают вопросы создания необходимых организационно-правовых механизмов по полноценной реализации данного принципа, а также достижению устойчивого баланса между законодательной, исполнительной и судебной ветвями власти.

Происходящие в мире социально-экономические процессы, новые вызовы, возникающие перед государственной властью, обуславливают необходимость проведения глубоких научных исследований в сфере эффективной реализации принципа разделения властей, совершенствования правовых механизмов обеспечения баланса в системе государственной власти, в том числе, актуальное значение приобретают теоретическое и практическое решение таких вопросов, как противоборство между законодательной и исполнительной ветвями власти при реализации ими конституционных полномочий, четкое разграничение полномочий ветвей власти, недопущение дублирований при их реализации, уточнение полномочий судебной ветви власти в области законотворчества, реализация принципа разделения властей на местном уровне.

В нашей стране осуществляются широкомасштабные программные меры по реализации принципа разделения властей, закрепленного в статье 11 Конституции. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, осуществляются последовательные меры по усилению роли Олий Мажлиса в системе государственной власти, дальнейшему расширению его полномочий в решении важнейших задач внутренней и внешней политики страны, осуществлению парламентского контроля за деятельностью исполнительной власти, усилению системы и полномочий судебной власти, а также предотвращению концентрации государственной власти в руках одного органа¹. Все это обуславливает необходимость проведения анализа законодательных актов в сфере реализации принципа разделения властей и обеспечения «системы сдержек и противовесов» между ветвями власти, совершенствования их правового статуса, полномочий и механизмов

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Собрание законодательства Республики Узбекистан», 13 февраля 2017 г., № 6, ст. 70

взаимодействия. Особую актуальность приобретают задачи по разработке конкретных процедур эффективной реализации конституционных норм в этой сфере и четкому закреплению их в законах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации Конституции Республики Узбекистан, конституционных законов «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан», «О Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан», законов «О Кабинете Министров Республики Узбекистан», «О парламентском контроле», а также указов Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 года, № УП-4947, «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» от 22 января 2018 года № УП-5308 и других актов законодательства.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования в сфере обеспечения баланса между ветвями государственной власти проводятся в таких ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, как Stanford Law School, Boston College, UCLA School of Law, New York University, Chicago University, Harvard University, Washington University School of Law (АКШ), Newcastle University, Library of House of commons, Oxford University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universität, München Universität (Германия), Pantheon Sarbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), Jagiellonian University (Польша), Naruto University of Education Graduate School, The University of Nagoya, (Япония), Московский государственный университет, Московский государственный институт международных отношений, Московский государственный юридический университет (Россия).

В ходе проведенных в мире исследований по обеспечению баланса между ветвями государственной власти получены целый ряд научных результатов, в том числе: определены тенденции развития системы обеспечения баланса между ветвями государственной власти (Washington University School of Law); обоснованы механизмы независимой реализации полномочий ветвей власти и недопущения концентрации полномочий в руках одного лица

¹ Зарубежный научно-исследовательский обзор по теме диссертации: <https://www.law.stanford.edu>, <https://www.bc.edu>, <https://law.ucla.edu>, <https://www.nyu.edu>, <https://www.uchicago.edu>, <https://www.harvard.edu>, <https://www.law.wustl.edu>, <https://www.ncl.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/commons-library>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.cam.ac.uk>, <https://www.uni-frankfurt.de>, <https://www.uni-muenchen.de>, www.pantheonsorbonne.fr, <http://www.en.uj.edu.pl>, www.naruto-u.ac.jp, <https://www.msu.ru>, <https://mgimo.ru>, <https://msal.ru>

выводы о том, что раздельное и независимое осуществление осуществляющие основными государственными органами (законодательная, исполнительная и судебная власть) своих полномочий и недопущение сосредоточения этих полномочий в одних руках (Library of House of Commons); определены функциональные и формальные аспекты обеспечения «системы сдержек и противовесов», круг полномочий каждой из ветвей власти, обоснованы важнейшие элементы механизма сдерживания между ветвями власти (Harvard Law School), определены механизмы взаимного сдерживания ветвей власти в условиях федерализма (The University of Toronto), обоснованы механизмы разграничения и сбалансирования полномочий парламента и президента в сфере внешней политики, безопасности, их взаимоотношений в процессе утверждения международных договоров (Stanford Law School); разработаны направления совершенствования правоотношений в сфере обеспечения взаимодействия органов государственной власти (American Enterprise Institute for Public Policy Research); обоснована роль парламентского контроля в обеспечении эффективности «системы сдержек и противовесов», а также механизмы повышения ее действенности (Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации).

В мире в сфере обеспечения баланса в системе государственной власти проводятся ряд исследований, в том числе по следующим приоритетным направлениям: определение конституционных, организационно-правовых основ и механизмов реализации принципа разделения властей; обеспечение баланса между парламентом и исполнительной властью, парламентом и высшими органами судебной власти; определение роли главы государства в обеспечении баланса в систем государственной власти; усиление парламентского контроля за принимаемыми решениями в сфере внешней политики, обороны и безопасности; определение пределов участия и полномочий исполнительной и судебной ветвей власти в законотворческом процессе с учетом требований принципа разделение властей.

